

ПУЛ БИРЛИКЛАРИНИ БИР-БИРИГА СОТИШ ҲАҚИДА

16:14 / 27.04.2016 3614

Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан набий йўқ зотга салавоглар бўлсин!

Ислон Фикҳи Академияси Маккаи мукаррамада, Робитанинг биносида, 1412 ҳижрий сана 5-Шаъбон (1992 йил, 8 феврал)да бошланган ўн учинчи мажлисида пул бирликларни бир-бирига сотиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Муноқаша ва фикр алмашувлардан кейин Ислон Фикҳи Академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Бир пул бирлигини бошқа пул бирлигига сотиш саррофлик деб эътибор қилинади.

Агар саррофлик шаръий шартлар асосида амалга оширилса, хусусан, савдо шартномаси тузилган пайтда қўлма-қўл олди-берди бўлса, жоиздир.

Қачон саррофлик қилишда икки бадални ёки бирини кейин беришга келишилса ёки икки пул бирлигини бир вақтда маълум тарихда алмаштиришга келишилса ҳам, жоиз эмас. Чунки, қўлма-қўл олди-берди қилиш лозимдир.